



УДК:631.332.2

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС МАСАЛАЛАРИ

**Муқумов Абдуғани Муратович**

*катта ўқитувчи “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети Тошкент, Ўзбекистон*  
e-mail: [abduganimuratov59@gmail.com](mailto:abduganimuratov59@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада республикада ер ресурсларини бошқаришининг мақсади, унга юқлатилган вазифалар, бошқарувга асос сифатида қабул қилинган тамойиллар, ер ресурсларидан фойдаланишини бошқариш функциялари таркиби каби масалалар очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ер ресурслари ер тузиш, инновацион технологиялар, иқтисодиёт тармоқлари, агросаноат мажмуаси, тамойиллар, бошқарув функциялари.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондириш билан бирга, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг истиқболли манбаларидан бири саналади. Шу сабабли,

Республика хукумати томонидан сўнгги йилларда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда [1].

Республика иқтисодиётининг тубдан интенсив ривожланиш йўлига бурилиши, унинг барча соҳа ва тармоқларига илмий-техника тараккиётининг жадал тадбик этилиши, ягона иқтисодий организм сифатида агросаноат мажмуасининг функция қилиши, ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришда янги жиддий йўналишларни талаб қиласди. Бундай шароитда, ердан фойдаланишини ташқил қилиш, режалаштириш, агросаноат мажмуасининг барча даражасида ресурсларни тежамлайдиган технологияларни жорий этиш, бевосита ер билан бояланган саноат тармоқларида чиқтисиз технологияларни тадбик этишга мулжалланган бўлиши керак. Буни амалга ошириш учун эса ердан фойдаланишини режалаштиришнинг барча тизимларини максадга йуналтирилган



ривожланишини, пировадрд натижада эса ер ресурсларини бошқаришнинг яхлит ва самарали тизимини талаб қилинади.

Маълумки, ҳар қандай бошқарув, шу жумладан ер ресурсларини бошқариш хам, аник максадни назарда тутади. Бунда бошқаришнинг асосий максади бўлиб - давлатнинг ягона ер фондини иқтисодиёт тармоқларининг манфаатини таъминлаш учун самарали фойдаланишни ташкил этиш хизмат қилади. Ер ресурсларини бошқариш жараёнида унинг максадига мос тарзда қўйилган бир қатор вазифалар ечилади. Бизнинг назаримизда уларнинг асосийлари куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Табият ва жамият конунлари ва уларнинг ривожланиши асосида ижтимоий ер муносабатларини тартибга солиш масалаларини такомиллаштириш.

2. Жамиятнинг барча ишлаб чиқарувчи кучларини ривожланиши ва жойлашиши учун энг яхши шароит тугдириш.

3. Ер ресурслари захираларини ер фонди тоифалари буйича замон ва маконда иқтисодиёт тармокларига, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари мулқорларига оптимал таксимлаш ва кайта таксимлаш.

4. Ер ресурсларини кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришини таъминлаш орқали тупрок унумдорлигини яхшилишини таъминлаш.

5. Хар бир ер участкасини уни максадли бирютирилиши орқали оқилона ва самарали фойдаланишини таъминлаш.

Маълумки, давлат томонидан амалга ошириладиган хар қандай харакат маълум бир меъёрлар негизида амалга оширилади. Ушбу меъёрларнинг асосини эса тамойиллар ташкил этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда ер ресурслардан фойдаланишни бошқаришнинг асоси сифатида куйидаги тамойилларни куйиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ер ресурсларини бошқаришда сисёсий, иқтисодий, экологик ва технологик ёндошувларнинг бирлиги.

2. Ердан ва бошка табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш масалаларини мажмуавий ечиш.

3. Ер ресурсларидан фойдаланиш бошқаришда қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жихатидан ерларни районлаштирилганлигини хисобга олиш.

4. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида ер ресурсларининг восита сифатида вазифасини хисобга олиш.

5. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало сугориладиган ерларнинг алохида муҳофаза этилишини, кенгайтириб



борилишини хамда улардан қатъий белгиланган максадда фойдаланишни таъминлаш.

Кўпчилик аграр-иктисодчи олимларнинг [2,4,6] фикрига кўра ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш маълум бир функциялар ёрдамида амалга оширилади. Мисол учун, проф. А.С.Чертовицкий ва А.К.Бозорвларнинг фикрича улар кадастр ахборот таъминоти ва иккита кичик тизим : ер муносабатларини тартибга солиш ва ердан фойдаланишни бошқариш функцияларидан ташкил топади. Бунда шуни эътиборга олиш керакки маълум бир функциялар бир вақтнинг ўзида иккала кичик тизимда хам фойдаланилиши мумкин (1-расм) [3]. Мисол учун, ердан фойдашишни иқтисодий бошқаруви ва ердан фойдашишни самарадорлигини баҳолаш функциялари.



1-расм. Ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш функциялари таркиби

Тизим таркибига киритилган функциялар бошқарувнинг самарасини таъминлаши учун уларга аниқ вазифалар юклатилган. Жумладан, **Ер муносабатларини тартибга солиш функциялари тизимида:**

**Ер қонунчигини такомиллаштириш** функцияси бевосита ер ресурсларини фойдаланиш учун бериш, ундан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида юзага келадиган ижтимоий мунасраларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришни таъминлайди.

**Ердан фойдаланиши прогностлаш** функциясига бўлган талаб иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда ер ресурсларидан фойдаланиш зарурияти билан изохланади. Ушбу функция табиат ва жамиятнинг иқтисодий ривожланиш қонунларига мос равишда мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва бозор иқтисодиёти шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш хусусиятларини хисобга олган холда амалга оширилади

**Ер фондини мақсимлаш ва қайта мақчимлаш функцияси** - ўзида давлатнинг узоқ муддатга ер ресурсларидан фойдаланишга оид давлат сиёсатини акс эттирганлиги сабабли бошқарувнинг мухим функцияларидан бири хисобланади. Келажакда ер ресурсларидан иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарага эришиш мақсадида фойдаланишни илмий башоратлаш унинг мазмунини ташкил этади.

**Ердан фойдаланиши бошқариш функциялари тизимида:**

**Ер тузиш** - ер рурсларидан фойдаланишни ташкил қилиш ва бошқаришнинг мухим функцияларидан бири хисобланади. Ер тузиш ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ҳудудларни ташкил этишга қаратилган таркибига лойиҳа-қидирув, съёмка ва изланиш ишлари кирадиган тадбирлар тизими эканлигидан ташқари ердан фойдаланиш тизимининг мухим таркибий қисми ҳам хисобланади.

**Ерга оид низоларни хал қилиш** функцияси ер ресурсларидан фойдаланишнинг мухим функцияларидан бири хисобланади. Унга бўлган объектив талаб ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижаракчилар ва ер участкалари мулқдорлари томонидан ерга оид қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши сабабли юзага келадиган низоларни хал қилиш билан изохланади.

**Ерларни қайта тиклаш** функцияси ер ресурсларидан бевосита ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланувчи вазирликлар ва давлат қўмиталарининг вазифаларига киради. Ушбу функция ер ресурсларини тўлиқ қайта



тиклашнинг якуний босқичи ва иқтисодий, ижтимоий ва экология соҳаларида ер ресурсларидан оқилона ва самаравали фойдаланиш асоси хисобланади.

**Ер ресурсларидан оқилона ва самаравали фойдаланишни рағбатлантириш** функцияси ер ресурсларидан оқилона ва самаравали фойдаланишни ташкил этишлари учун ердан фойдаланиш субъектларига иқтисодий механизмлар орқали таъсир кўрсатади.

**Ердан фойдашишни иқтисодий бошқаруви** функцияси иқтисодиёт тармоқлари, фаолият соҳалари, ердан фойдаланиш субъектлари ўртасида ер ресурсларини оқилона тақсимлаш асосида ердан фойдаланиш таркибини оптималлаштириш ҳамда ер ресурсларидан ойдаланиш самарадорлиги даражаси, ерларни қайта тиклаш цикли самарадорлиги ва ипотека тизимини такомиллаштиришни ўз мақсади қилиб қўяди.

**Ердан фойдашиш самарадорлигини баҳолаш** функцияси тизимли равишда ечиладиган қуйидаги учта вазифани ўз ичига олади: **биринчиси**, ер фонди тоифалари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалар бўйича ер ресурсларининг тақсимланишини баҳолаш; **иккинчиси**, ердан фойдаланишдан иқтисодий ва бошқа кўринишдаги самара олиш нуқтаи назаридан ер ресурсларидан бевосита (технологик) фойдаланишни баҳолаш; **учинчиси**, ер ресурсларини қайта тиклаш самарадорлигини баҳолаш.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб қуйидаги хуносаларга келиш мумкин:

1. Ер ресурсларини бошкариш тизимининг таркиби ва уларнинг вазифалари тахлил қилинаётганда унинг оддий тадбирлар мажмуюи сифатида эмас, балки узвий, яхлит тизим эканлиги хисобга олиниши керак.

2. Ер ресурсларини бошкариш тизимининг самарадорлиги на фақат унинг функциялари самарадорлиги ошиши натижасида, балки унинг таркибидаги барча элементлар тўлиқ хисобга олинган холда ошади. Масалан, ердан фойдаланишни ташкил этиш лойихасининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорлиги, лойиҳа ишланмалари улар учун асос бўладиган тупроқшунослик, геодезик, геоботаник ва бошқа изланишлар материаллари ҳамда ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати билан узвий болнган холда амалга оширилсагина ошади.





## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6024-сон 10.07.2020
2. А.Р. Бобоҷонов., Қ.Р. Раҳмонов., А.Ж. Ғофиров. Ер кадастри// Дарслик. ТИМИ нашриёти, 2008. 212 б.
3. А.С. Чертовицкий, А.К. Базаров. Система землепользования Узбекистана. Фан.2007, 212 с.
4. Волков С.Н. Землеустройство// Учебник. Т 2: Внутрихозяйственное землеустройство. М.: Колос, 2001, 648 стр.
5. S.Avezbayev, S.N.Volkov. Yer tuzish iqtisodi // Darslik. TIMI, 2016. 265 b .
6. A.Muqumov. Yer tuzish asoslari. // Darslik. «TIQXMMI» MTU, 2023. 165 b.

